



*Бухорий «Яратишнинг ибтидоси» бобида келтирган. Унинг лафзида:*

**«Эснаш шайтондандир. Бас, бирортангиз эснаса, иложи борича қайтарсин. Чунки агар у «ҳоҳ», деса, шайтон ундан кулади».**

**Шарҳ:** Эснашни ҳамма халқлар ҳам яхши нарса деб билмайдилар. Эснаш энг камида дангасаликнинг аломатидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уни шайтондандир, демоқдалар. Шунинг учун эсноқни доимо, айниқса намозда қайтаришимиз керак. Бўлар-бўлмасга эснайвериб, шайтоннинг кулгисига қолмаслигимиз лозим.

أَضَوْتِ إِذِ لَاقَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَاصَّيَّ بِنَلَلِ نَعْنَعُ لَلِ يَضَرَّةَ جُعْنَ بَبَعَكَ نَع  
هُنَّ إِفْهَعَبَ أَصَّ أَنْ يَبَّ نَكُّبَ شُيَ الْفَدِجَ سَمَلِ لَإِلِ إِدِمَاعَ جَرَخَ مَثُءَ وُضُوءَ نَسْحَ أَفْ مَكُّدَحَ أ  
قَثُومٍ دَنَسَ بَدُّوَادُ وَبَأُوِّ يَذْمُرْتِ لَأُورِءِءَ لَ صَ يَ فِ

Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз яхшилаб таҳорат қилиб, сўнгра масжидни қасд қилиб чиқса, бармоқларини бир-бирига қовуштирмасин. Чунки у намоздадир», дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ишончли санад ила ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Панжаларни бир-бирига криштириб, қовуштириш беҳуда иш бўлиб, ахлоқсизлик белгиси ҳисобланади. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишдан қайтармоқдалар. Мусулмон киши доимо жиддий бўлиб, беҳуда, бемаъни ишларга яқинлашмаслиги, ҳатто ўшандоқ нарсанинг аломати бор бўлган ишни ҳам қилмаслиги керак.

Мусулмон киши яхшилаб таҳорат қилиб, масжид томон йўл олар экан, у ўта муҳим ва жиддий ишга кетаётган бўлади. Мўмин-мусулмон биродарлари билан жамоат бўлиб, Аллоҳ ила учрашиб, роз айтгани кетаётган кишига бекорчи танбалларга ўхшаб, бармоқларни қовуштириш мутлақо ярашмайди. Масжидга кетаётган одам намозда тургандек ҳисобланади.

Мусулмон киши қанчалар бахтли инсон! Яхшилаб таҳорат қилиб, масжид томон қадам босса ҳам, худди намоз ўқиётганлар ҳисобига ўтади. Бориб, намоз ўқиганда эса унинг қанчалик даражага эришишини шундан билиб олаверинг.

أَنَّ أُمَّ الْغَمَّ مَلَسَتْ وَهِيَ لَعْلَعٌ لَلِصِّبِيِّ لَلْأَرْتِاقِ أَنْ عُلَّ لِي ضَرَّةَ مَلَسَتْ مُؤْنَعٌ  
يَذْمُرْتَلَاهُ أَوْرَكَهُ وَبَرَّتْ حُلْفَاءُ أَيِّ لَأَقْفَ، خَفَنَ دَجَسَ إِذْ حُلْفَاءُ هَلْ لَأَقِي

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бизнинг Афлах исмли ғуломимиз сажда қилаётиб, (ерни) пуфлаётганини кўриб:**

**«Эй Афлах, юзингни тупроқ қилавер», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан намоз ўқиётган одамнинг саждагоҳ ёки бошқа жойлардаги чанг, тупроқ ёки шунга ўхшаш нарсаларни пуфлаши макруҳлиги келиб чиқади. Бунга ўхшаш ишларни намозни бошлашдан олдин яхшилаб ўрнига қўйиб олиш лозим. Ибодат қилаётган одам уни берилиб қилиши керак. Баъзи бир чанг ёки шунга ўхшаш нарсаларга эътибор бериши, уларни пуфлаши намозга бепарволигининг аломатидир. Намозхон намоз туфайли бу дунёда пешонасини ёки юз-қўлини чанг қилса, у дунёнинг шармандалик чанг-ғуборидан халос бўлади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.